

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
АТОМ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ОБЪЕКТЛАРИ ВА (ЁКИ)
АТОМ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТ
(ИШ) ХАВФСИЗЛИГИНИ АСОСЛАШ ЮЗАСИДАН ЭКСПЕРТИЗА
ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА**

«Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг [Қонуни](#) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5594-сон [Фармони](#)га мувофиқ, шунингдек, атом энергиясидан фойдаланиш объектлари хавфсизлигини таъминлаш, атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертиза ўтказиш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертиза ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин:

атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертизани ташкил этиш, ўтказиш ва хулосасини расмийлаштириш;

атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертиза хулосасини қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертиза хулосасининг дубликатини бериш тартиби.

2. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи ва Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раиси Б.В. Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 июнь,
390-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 июндаги 390-сон [қарорига](#)
ИЛОВА

Атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертиза ўтказиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертиза (кейинги ўринларда — экспертиза) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

атом энергиясидан фойдаланиш объектлари — ядровий қурилмалар, сақлаш пунктлари, ядровий материаллар, радиациявий манбалар, радиоактив моддалар, ядровий ёқилғи, ядровий реакторларнинг иссиқлик ажратувчи тўпламлари, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғи, радиоактив чиқиндилар;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги эксперт (кейинги ўринларда — эксперт) — экспертизани амалга оширувчи малакали мутахассис;

атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солувчи махсус ваколатли орган (кейинги ўринларда — махсус ваколатли орган) — Ўзбекистон Республикаси саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси;

буюртмачи — экспертиза ўтказиш учун буюртманома билан мурожаат қилган ташкилот;

эксперт ташкилоти — атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертиза қисми бўйича атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш)ни амалга ошириш учун лицензия (кейинги ўринларда — лицензия)га эга бўлган юридик шахс;

экспертиза — экспертиза объектининг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида унга қўйиладиган хавфсизлик талабларига мувофиқлиги таҳлили;

экспертиза объектлари — атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асословчи ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиладиган объект хавфсизлигининг таъминланганлигини асословчи ҳужжатлар ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиладиган объект ҳақиқий ҳолатининг хавфсизлиги таъминланганлигини асословчи ҳужжатлар;

экспертиза хулосаси — экспертиза объектининг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидалар талабларига мувофиқлиги (мувофиқ эмаслиги) тўғрисидаги асосли хулосаларни ўз ичига олган ҳужжат.

3. Махсус ваколатли органга лицензия ва рухсатнома олиш учун буюртмачи томонидан тақдим қилинган атом энергиясидан фойдаланиладиган объект хавфсизлигининг таъминланганлигини асословчи ҳужжатларни ва унинг ҳақиқий ҳолатини ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асословчи ҳужжатлари экспертизадан ўтказилади.

Атом энергиясидан фойдаланиладиган объект хавфсизлигининг таъминланганлигини ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиладиган объектнинг ҳақиқий ҳолатини тасдиқловчи хавфсизликни асослаш бўйича ҳисоботнинг тузилишига қўйиладиган талаблар махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

4. Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларига тааллуқли экспертизани амалга ошириш учун махсус ваколатли орган ўзининг илмий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ташкилотларидан бирини ёки чет давлат томонидан рўйхатга олинган ва ушбу давлатнинг ваколатли органи томонидан тақдим этилган экспертизани амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга илмий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ташкилотини жалб қилиши мумкин.

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги бошқа объектларнинг экспертизаси махсус ваколатли органнинг экспертизани амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиясига эга ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган ишларни бажариш учун лицензияга эга бўлган бошқа ташкилотлар ҳам пудрат шартномаси шартлари асосида субпудратчилар сифатида экспертизага жалб этилиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш жараёнида эксперт ташкилоти ўзида ўрнатилган сифат менежменти тизимига амал қилади.

5. Турли экспертиза объектларини экспертизадан ўтказишда инобатга олиниши лозим бўлган талаблар экспертиза объектларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

6. Эксперт ташкилоти, атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асословчи ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиладиган объект хавфсизлигининг таъминланганлигини асословчи ҳужжатлар ишлаб чиқишда иштирок этган шахсларни экспертизага жалб қилишга ҳақли эмас.

7. Экспертга у билан меҳнат муносабатлари бўлган ёки унга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида тегишли бўлган объектлар экспертизасида иштирок этиш тақиқланади.

8. Экспертизани ўтказиш муддати экспертиза объектининг мураккаблигига қараб техник топшириққа мувофиқ белгиланади.

9. Экспертиза ўтказиш ва экспертиза хулосасини бериш ушбу Низомга [1-иловага](#) мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

10. Экспертиза хулосаси дубликатини бериш экспертиза хулосасини аввал расмийлаштириб берган эксперт ташкилоти томонидан, у фаолият юритмаётган ҳолларда эса махсус ваколатли орган томонидан берилади.

2-боб. Экспертизани ташкил этиш тартиби

11. Экспертиза эксперт ташкилоти ва буюртмачи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган техник топшириқ асосида амалга оширилади.

12. Экспертизани ўтказиш бўйича техник топшириқда қолганлардан ташқари қуйидаги тематик масалаларни ўз ичига олади:

лойиҳавий, конструкторлик ва технологик ечимларнинг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ва қоидалар талабларига, шунингдек фаолият (иш)ни амалга оширишда радиоактив чиқиндилар билан хавфсиз муомала қилиш шароитларининг белгиланган талабларга мувофиқлиги;

фаолият (иш) турини амалга оширишда хавфсизликни таъминлаш бўйича техник ва ташкилий чора-тадбирларнинг тўлиқлиги;

ядровий қурилмаларни жисман ҳимоя қилиш, нурланиш манбаи, ядровий материаллар ва радиоактив моддаларни сақлаш пунктлари, ядровий материаллар, радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндиларни сақлаш, ҳисобга олишни ва назорат қилишни ташкил этиш шароитларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича талабларга мувофиқлиги, авария юз берган ҳолларда атом энергиясидан фойдаланиладиган объект ишчилари ва аҳолини ҳимоя қилиш бўйича тадбир режалари ва тадбирларни бажаришга шайлиги, шунингдек, сифатни таъминлаш тизими ва зарур муҳандислик-техник таъминотнинг мавжудлиги;

буюртмачининг амалга ошириладиган фаолият (иш) тури хавфсизлиги, атом энергиясидан фойдаланиладиган объектнинг ва бажарилаётган ишларнинг хавфсизлигини таъминлашга лаёқатлилиги, шунингдек, тақдим этилаётган хизматлар ва бажарилаётган ишлар сифатининг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги меъёр ва қоидаларга жавоб бериши;

атом энергиясидан фойдаланиладиган объектда ядровий ва радиациявий авария юз берган тақдирда фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш учун куч ва воситаларнинг мавжудлиги ва шайлиги;

буюртмачининг лицензияланадиган фаолият (иш) турини тугатиш ва атом энергиясидан фойдаланиладиган объектни фойдаланишдан хавфсиз чиқариш бўйича шароитларни таъминлашга лаёқатлилиги, шунингдек тегишли лойиҳа ҳужжатларининг мавжудлиги.

13. Экспертизани ўтказиш бўйича техник топшириқни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш буюртмачининг ҳужжатлари махсус ваколатли органга келиб тушган кундан кейин ўттиз иш куни ичида амалга оширилади.

Экспертизани ўтказиш бўйича техник топшириқда экспертизанинг масалалари, эксперт хулосасига ва уни махсус ваколатли органга тақдим этиш бўйича талаблар, шунингдек, экспертизадан ўтказилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати ва уни ўтказиш муддати акс этади.

Экспертизани ўтказиш бўйича техник топшириққа киритилган аниқ тематик масалалар атом энергиясидан фойдаланиладиган объектнинг потенциал хавфлилигига, амалга ошириладиган фаолият (иш) турига қараб тузилади. Саволлар сони минимал, аммо ҳар тарафлама ва асосланган экспертиза ўтказиш учун етарли бўлиши зарур. Саволлар қуйидагиларни қамраб олиши лозим:

буюртмачи томонидан фаолият (иш)нинг эълон қилинган турини (турларини) амалга ошириш хавфсизлигини асослашда қабул қилинган меъёрлар ва қоидалар базасининг етарлилигини баҳолаш;

объектнинг хавфсизлигини асослаш ва унинг ҳақиқий ҳолати ва (ёки) буюртмачининг фаолияти (иши) тўғрисидаги маълумотни баҳолаш;

эълон қилинган фаолиятни (иш) амалга ошириш шароитини, шу жумладан ходимларни тайёрлаш ва рухсат бериш, зарур бўлган сифат менежменти тизимининг ишлашини баҳолаш.

14. Ваколатли орган томонидан экспертиза хулосасини қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилингунгача экспертизани ўтказиш бўйича техник топшириққа махсус ўзгартириш киритилиши мумкин.

Экспертизани ўтказиш бўйича техник топшириққа:

атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган илгари маълум бўлмаган ҳолатлар аниқланганда;

Ўзбекистон Республикасининг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидалари талаблари ўзгарган тақдирда;

буюртмачи томонидан атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асословчи қўшимча ҳужжатлар тақдим қилинганда ўзгартиришлар киритиш мумкин.

15. Техник топшириқ (унга киритилган ўзгартиришлар) махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланади.

16. Махсус ваколатли орган техник топшириқ тасдиқлангандан сўнг уч кун ичида уни буюртмачига юборади.

3-боб. Экспертизани ўтказиш тартиби

17. Экспертиза қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

экспертиза ўтказиш учун буюртманомани қабул қилиш;

ҳужжатларни дастлабки баҳолаш ҳамда экспертизани амалга ошириш бўйича шартнома тузиш;

экспертиза объекти мувофиқлигини баҳолаш;

экспертиза натижалари юзасидан хулосасини расмийлаштириш ва бериш.

Экспертизанинг ҳар бир кейинги босқичи аввалги босқичда ижобий натижаларга эришилганда ўтказилади.

18. Буюртмачи экспертизани амалга ошириш учун эксперт ташкилотига махсус ваколатли орган томонидан экспертизани амалга ошириш учун техник топшириқ тасдиқланганидан сўнг беш иш куни ичида ушбу Низомга [2-иловага](#) мувофиқ шаклда расмийлаштирилган буюртманомани бевосита почта алоқа воситаси орқали ёхуд электрон шаклда, унинг олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этади. Электрон шаклда тақдим этилган буюртманомана электрон рақамли имзо билан тасдиқланади.

Буюртманоманага экспертизани амалга ошириш учун техник топшириқ илова қилинади.

19. Нотўғри тўлдирилган ёки расмийлаштирилган буюртманомана кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Экспертизани ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун буюртмачи жавобгар бўлади.

20. Эксперт ташкилоти келиб тушган буюртманома бетларига рақамлар қўйиладиган, тикиб боғланадиган ва эксперт ташкилотининг муҳри билан тасдиқланадиган журналда ҳужжатлар тақдим этилган кунда рўйхатга олади.

Эксперт ташкилоти буюртманомани олгани ҳақида белги экспертизага буюртманома берилган сана ҳисобланади.

21. Буюртманома рўйхатга олинган кундан бошлаб беш иш куни ичида тақдим этилган ҳужжатлар дастлабки баҳолашдан ўтказилади.

Эксперт ташкилоти томонидан дастлабки баҳолаш жараёнида экспертизани амалга ошириш учун техник топшириқни ўрганиб чиқади.

Буюртманомани ва техник топшириқни дастлабки баҳолаш натижаси асосида, техник топшириқда қўйилган масалалар юзасидан экспертизани тўлақонли амалга ошириш бўйича эксперт ташкилотининг имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда буюртмачига экспертизани амалга оширишни рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда асосланган ёзма хабарни юборади.

Буюртманомани ва техник топшириқни дастлабки баҳолаш натижасида, техник топшириқда қўйилган масалалар бўйича эксперт ташкилотининг экспертизани тўлақонли амалга ошириш юзасидан имконияти мавжуд бўлган тақдирда, буюртмачи билан экспертизани амалга ошириш юзасидан тегишли шартнома расмийлаштиради.

Экспертизани ўтказиш бўйича техник топшириқга махсус ваколатли орган томонидан мазкур Низомнинг [14-бандига](#) мувофиқ ўзгартириш киритилган ҳолатларда, бу ишлар буюртмачи билан экспертизани амалга ошириш юзасидан шартномага қўшимча битим асосида бажарилиши мумкин.

Эксперт ташкилоти шартнома расмийлаштирилганидан сўнг икки иш куни мобайнида махсус ваколатли органни расмийлаштирилган шартнома тўғрисида хабардор қилади.

Махсус ваколатли орган шартнома расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги хабарни олган куни буюртмачи томонидан лицензия ва рухсатнома олиш учун тақдим қилинган атом энергиясидан фойдаланиладиган объект хавфсизлигининг таъминланганлигини асословчи ҳужжатларни ва унинг ҳақиқий ҳолатини ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш)нинг хавфсизлигини асословчи ҳужжатлари тўпламини эксперт ташкилотининг вакилига имзо қўйиш орқали тилхат асосида беради.

Экспертиза объектини баҳолаш ишлари буюртмачи томонидан шартномада белгиланган миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилганидан сўнг амалга оширилади.

22. Эксперт ташкилоти экспертиза объектини баҳолаш учун ушбу Низомга [3-иловага](#) мувофиқ эксперт гуруҳини шакллантиради.

23. Экспертлар орасидан етакчи эксперт тайинланади ва у эксперт гуруҳига раҳбарлик қилиб, экспертизанинг ўз вақтида ўтказилиши, натижаларни умумлаштириш ва экспертиза хулосасини тайёрлаш учун жавобгар бўлади.

24. Эксперт гуруҳи экспертиза объектининг ҳақиқий ҳолати ва унга қўйиладиган атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидалар

талабларига мувофиқлигини баҳолайди ҳамда экспертиза объектига тааллуқли ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини аниқлайди.

25. Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларидаги техник қурилмалар, бинолар ва иншоотларнинг ҳақиқий ҳолатини баҳолаш учун улар жойига чиққан ҳолда белгиланган тартибда текширилади ҳамда техник диагностикадан ўтказилади.

26. Буюртмачи экспертизани ўтказишда иштирок этадиган экспертлар ва мутахассисларнинг экспертиза объектига киришини таъминлаши шарт.

27. Эксперт хулосаси:

техник топшириққа тўлиқ жавоб бериши;

хавфсизликни асослаш тўғрисидаги ҳисоботга киритилган барча бўлимларнинг таҳлили натижаларини ўз ичига олиши;

қабул қилинган лойиҳавий, муҳандислик, техникавий ва ташкилий ечимларнинг мувофиқлиги ҳамда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларнинг бажарилиши натижалари бўйича илмий-техник баҳо ва оқилона хулосаларни ўз ичига олиши лозим.

28. Экспертиза ўтказиш жараёнида, экспертиза объектларига саволлар юзага келганда, эксперт ташкилоти мазкур саволларни буюртмачи билан муҳокама қилади.

Эксперт ташкилоти, экспертизани ташкиллаштирган махсус ваколатли органга, экспертизани амалга ошириш жараёнида юзага келган саволларни муҳокама қилиш жойи ва вақти тўғрисида хабар беради.

29. Махсус ваколатли орган ва (ёки) эксперт ташкилотида ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, буюртмачи томонидан тақдим қилинган ҳужжатларда муайян ҳужжатларга ҳаволалар мавжуд бўлган тақдирда, мазкур ҳужжатлар олиниши махсус ваколатли орган сўровномаси асосида амалга оширилади. Сўровнома, экспертизани амалга ошириш учун техник топшириқни тасдиқлаган мансабдор шахс томонидан хат орқали буюртмачи манзилига юборилади.

30. Эксперт ташкилоти экспертиза натижалари бўйича атом энергиясидан фойдаланиш объекти ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш)нинг хавфсизлигини асослаш тўғрисида эксперт хулосасини тузади.

Экспертиза хулосасига, эксперт ташкилоти томонидан белгиланган рўйхатдан ўтказиш тартибига мувофиқ, рўйхат рақами берилади.

Эксперт хулосаси эксперт ташкилотининг раҳбари томонидан тасдиқланиб, ушбу ташкилотнинг муҳри қўйилади ва махсус ваколатли органга юборилади, унда ўтказилган экспертизанинг экспертиза топшириғи талабларига мувофиқлиги баҳоланади.

4-боб. Экспертиза хулосасини расмийлаштириш тартиби

31. Экспертиза хулосаси қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

а) кириш қисми:

экспертиза мақсади;

экспертиза объекти номи;

экспертиза ўтказиш учун техник топшириқ тўғрисидаги маълумотлар;
экспертиза ўтказиш учун зарур бўлган тематик масалалар номенклатураси;

экспертизага тақдим этилган буюртмачининг асослари (материаллари, ҳужжатлари) тўғрисидаги маълумотлар;

буюртмачи томонидан қўшимча асослар тақдим этилиши тўғрисидаги буюртманом (агар мавжуд бўлса) юзасидан маълумотлар;

экспертизада ишлатилган меъёрий ҳужжатлар, экспертиза қатнашчиларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

қўлланиладиган қисқартмалар;

б) илмий (тадқиқот) қисми:

буюртмачининг ўрганилиши лозим бўлган, материалларнинг сифат кўрсаткичлари;

эксперт тадқиқотларда қўлланилган усуллар, методлар ва воситалар;

эксперт тадқиқотнинг бориши ва унинг натижалари тавсифи;

экспертиза натижалари бўйича аниқланган фактлар ва ҳолатлар, уларнинг илмий изоҳи;

норматив ҳужжатлар, маълумотнома ва адабий манбаларга ҳаволалар;

в) хулосалар.

32. Экспертиза хулосаси натижалари экспертларнинг олдида қўйилган саволларга жавобларини ўзида акс эттириб, эксперт тадқиқотининг якуний мақсади, асосий моҳияти ҳисобланади.

33. Экспертиза хулосасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

экспертизага тақдим этилган буюртмачининг асослари (материаллари, ҳужжатлари) рўйхати;

экспертиза ўтказиш жараёнида фойдаланилган меъёрий ҳужжатлар рўйхати;

экспертлар гуруҳи таркиби.

5-боб. Экспертиза хулосасини қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби

34. Экспертиза хулосаси расмийлаштирилгандан сўнг беш иш куни мобайнида эксперт ташкилоти экспертиза хулосасини тегишли қарор қабул қилиш учун махсус ваколатли органга тақдим этади. Агар кўрсатилган муддат тугаши иш кунига тўғри келмаса, топшириш муддати кейинги иш кунигача узайтирилади.

Экспертиза хулосасининг махсус ваколатли орган ҳақиқатда тақдим этилганлиги муддати девонхона томонидан кириш хатига қўйилган сана билан, агар экспертиза хулосаси почта орқали юборилган бўлса, хат почта бўлими томонидан қабул қилинган сана билан белгиланади.

35. Экспертиза хулосаси учта асл нусхада эксперт ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган кузатув хати билан махсус ваколатли органга тақдим этилади. Кузатув хатида экспертиза хулосасининг рўйхат рақами кўрсатилиши лозим.

36. Кузатув хати ва унга илова қилинган экспертиза хулосаси иш юритишнинг амалдаги тартибига мувофиқ қабул қилинади ва қайд этилади.

37. Экспертиза хулосасини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги қарор, махсус ваколатли орган томонидан экспертиза хулосаси келиб тушган кундан бошлаб йигирма иш куни мобайнида қабул қилинади.

Агар қарор қабул қилиш малакали мутахассислар ёки манфаатдор томонлар (эксперт ташкилоти, буюртмачи, лаборатория ва бошқалар) вакиллари жалб қилган ҳолда кўшимча ўрганишни талаб этадиган бўлса, эксперт хулосасини кўриб чиқиш муддати махсус ваколатли органнинг қарорига асосан йигирма кунгача узайтирилиши мумкин.

38. Экспертиза хулосасини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги қарор қуйидагиларни ўз ичига олади:

экспертиза хулосасини кўриб чиқиш;

экспертиза хулосасини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор қабул қилиш;

экспертиза хулосалари реестрини юритиш.

39. Махсус ваколатли органда экспертиза хулосаларини кўриб чиқиш ва реестрини юритиш учун жавобгар бўлган бўлинма ва (ёки) ходимлар тайинланади. Экспертиза хулосаларини кўриб чиқишда тегишли бўлим ходимларининг иштироки мажбурийдир.

40. Экспертиза хулосаларини кўриб чиқиш экспертиза объектининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

экспертиза хулосасининг расмийлаштириш талабларига мувофиқлиги;

экспертизани ўтказиш учун техник топшириқ талабларига мувофиқлиги;

экспертиза ўтказиш талабларига мувофиқлиги;

экспертиза ўтказишда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги тегишли норма ва қоидалардан фойдаланиш;

экспертизани ўтказиш вақтида тегишли синовларни ўтказиш ва ушбу синовларда зарур назорат, синов, диагностика ускуналари ва ўлчов воситаларидан фойдаланиш.

41. Экспертиза хулосасини кўриб чиқишда махсус ваколатли орган томонидан эксперт ташкилоти ва буюртмачидан кўшимча маълумотлар талаб қилиниши мумкин. Зарурат бўлганда, юзага келган саволларни муҳокама қилиш учун манфаатдор томонларнинг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

42. Эксперт хулосасини кўриб чиқиш натижалари салбий бўлган тақдирда экспертиза хулосасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Экспертиза хулосасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, уни рад этишнинг асосланган сабаблари ва камчиликларини кўрсатган ҳолда (камчиликларини бартараф этиб экспертиза хулосасини қайта тақдим этиши учун етарли бўлган муддатни кўрсатган ҳолда) рад этиш тўғрисидаги қарорининг ва экспертиза хулосасининг икки асл нусхасини эксперт

ташкilotининг вакилига тилхат асосида топширади ёки эксперт ташкilotи манзилига почта орқали юборади.

43. Экспертиза хулосасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, эксперт ташкilotи экспертиза хулосасини рад этиш сабабларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқади ва қарор қабул қилиш учун махсус ваколатли органга қайта тақдим этади.

Экспертиза хулосасини қайта топширишда, кузатув хатида экспертиза хулосасини рад этиш тўғрисидаги қарорнинг санаси ва рақами кўрсатилиши керак.

44. Экспертиза хулосасини кўриб чиқиш натижалари ижобий бўлган тақдирда, экспертиза хулосасини қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

45. Экспертиза хулосасини қабул қилиш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор Радиация ва ядро хавфсизлиги департаменти бошлиғи томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

46. Экспертиза хулосасини қабул қилиш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг ва экспертиза хулосасининг икки асл нусхалари эксперт ташкilotининг вакилига тилхат асосида топширилади ёки эксперт ташкilotи манзилига почта орқали юборилади.

47. Махсус ваколатли орган томонидан экспертиза хулосаси бўйича қабул қилинган қарорни ҳамда экспертиза хулосасини битта асл нусхасини экспертизани ўтказиш учун шартнома шартлари тўлиқ бажарилгандан кейин эксперт ташкilotи томонидан уч иш куни мобайнида буюртмачига тақдим этилади.

48. Экспертиза хулосаларининг асл нусхалари экспертизани ўтказган эксперт ташкilotида ва махсус ваколатли органда сақланади.

6-боб. Экспертиза хулосасининг дубликатини бериш тартиби

49. Экспертиза хулосаси йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган ҳолатларда, буюртмачи экспертиза хулосасини аввал расмийлаштирилган эксперт ташкilotига ушбу Низомга [2-иловага](#) мувофиқ шаклда буюртманомга тақдим этади.

Экспертиза хулосасининг яроқсиз ҳолга келиши сабабли унинг дубликатини беришда буюртманомга кейинчалик белгиланган тартибда йўқ қилиш учун аввал берилган экспертиза хулосаси илова қилинади.

Экспертиза хулосаси дубликати ушбу хулосани илгари расмийлаштирган эксперт ташкilotи билан тузилган шартнома асосида берилади.

50. Шартнома суммаси эксперт ташкilotининг экспертиза хулосаси дубликатини бериш учун сарфлаган харажатлари доирасида белгиланади.

51. Экспертиза хулосани аввал расмийлаштирган эксперт ташкilotи эксперт хулосасининг дубликатини бериш учун буюртмачи шартнома шартлари бажарилган кундан эътиборан уч иш куни ичида экспертиза хулосасининг дубликатини беришга мажбурдир.

52. Экспертиза хулосасининг дубликати буюртмачига шартнома шартларини бажарган тақдирда берилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

53. Экспертизани ўтказиш сифати ва натижаларининг ҳаққонийлиги, шунингдек, экспертиза натижаларини сақлаш учун жавобгарлик экспертизани ўтказган эксперт ташкилотига юкланади.

54. Экспертиза натижалари юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин.

55. Мазкур Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертиза ўтказиш тартиби тўғрисидаги [НИЗОМГА](#)

1-ИЛОВА

Атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертиза ўтказиш ва экспертиза хулосасини бериш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
<p style="text-align: center;">1 босқич</p>	<p style="text-align: center;">Буюртмачи (экспертиза ўтказиш учун буюртманома билан мурожаат қилган ташкилот)</p>	<p>Буюртмачи экспертизани амалга ошириш учун эксперт ташкилотига ўрнатилган шаклдаги буюртманомани ва махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган техник топшириқни бевосита, унинг олингани тўғрисидаги билдиришнома билан бирга почта алоқа воситаси орқали ёхуд электрон шаклда тақдим этади. Электрон шаклда тақдим этилган буюртманома электрон рақамли</p>	<p>Махсус ваколатли орган томонидан экспертизани амалга ошириш учун техник топшириқ тасдиқланган санадан кейин беш иш куни мобайнида.</p>

		имзо билан тасдиқланади.	
2 босқич	Эксперт ташкилоти (экспертизани амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахс)	<p>1. Экспертизани амалга ошириш учун тақдим қилинган буюртманомани қабул қилади.</p> <p>2. Экспертизани амалга ошириш учун буюртманомани ва техник топшириқни дастлабки баҳолашдан ўтказди.</p> <p>3. Буюртманомани ва техник топшириқни дастлабки баҳолаш натижаси асосида техник топшириқда қўйилган масалалар юзасидан экспертизани тўлақонли амалга ошириш бўйича эксперт ташкилотининг имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, буюртмачига экспертизани амалга оширишни рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда</p>	<p>1. Тақдим қилинган кунда.</p> <p>2. Беш иш куни мобайнида.</p> <p>3. Бир иш куни мобайнида.</p>

		<p>асосланган ёзма хабарни юборди.</p> <p>4. Буюртманомани ва техник топшириқни дастлабки баҳолаш натижасида техник топшириқда қўйилган масалалар бўйича эксперт ташкилотининг экспертизани тўлақонли амалга ошириш юзасидан имконияти мавжуд бўлган тақдирда, буюртмачи билан экспертизани амалга ошириш юзасидан тегишли шартномани расмийлаштиради.</p> <p>5. Расмийлаштирилган шартнома тўғрисида махсус ваколатли органни хабардор қилади.</p>	<p>4. Ўн иш куни мобайнида.</p> <p>5. Икки иш куни мобайнида</p>
--	--	---	--

<p>3 босқич</p>	<p>Махсус ваколатли орган (Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси)</p>	<p>Эксперт ташкилотидан тегишли шартнома расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг буюртмачи томонидан лицензия ва рухсатнома олиш учун тақдим қилинган атом энергиясидан</p>	<p>Буюртмачи билан тегишли шартнома расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги хабарни олган санада.</p>
---------------------	--	---	---

		<p>фойдаланиладиган объект хавфсизлигининг таъминланганлиги ни асословчи ва атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш)нинг хавфсизлигини асословчи ҳужжатлар тўпламини эксперт ташкилотининг масъул вакилига имзо қўйилган тилхат асосида тақдим этади.</p>	
--	--	---	--

<p>4 босқич</p>	<p>Эксперт ташкилоти</p>	<p>Буюртмачи шартномада белгиланган миқдордаги тўловни амалга оширгандан сўнг белгиланган тартибда атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертизани амалга оширади.</p>	<p>Техник топшириқда кўрсатилган муддатда.</p>
----------------------------	--------------------------	--	--

<p>5 босқич</p>	<p>Эксперт ташкилоти</p>	<p>Экспертиза хулосасини расмийлаштириб, уни қабул қилиш</p>	<p>Экспертиза хулосаси расмийлаштирилг андан сўнг беш</p>
----------------------------	--------------------------	--	---

		<p>ёки қабул қилмаслик бўйича кўриб чиқиш учун махсус ваколатли органга (3 та асл нусхада) тақдим этади.</p>	<p>иш куни мобайнида.</p>
<p>6 босқи ч</p>	<p>Махсус ваколатли орган</p>	<p>1. Экспертиза хулосасини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги қарор қабул қилади ва уни рўйхатга олиб, тегишли реестрини юритади.</p> <p>2. Экспертиза хулосасини қабул қилиш тўғрисидаги қарорнинг ва экспертиза</p>	<p>1. Йигирма иш куни мобайнида. Агар қарор қабул қилиш қўшимча ўрганишни талаб этадиган бўлса, тегишли соҳа вакилларини (махсус лаборатория ва тегишли соҳа малакали мутахассислари) ёки манфаатдор томонларни (эксперт ташкилоти, буюртмачи) жалб қилган ҳолда эксперт хулосасини қўшимча кўриб чиқиш муддати махсус ваколатли органнинг қарорига асосан йигирма иш кунигача узайтирилиши мумкин).</p> <p>2. Бир иш куни мобайнида.</p>

хулосасининг икки асл нусхасини эксперт ташкилотининг вакилига тилхат асосида топширади ёки эксперт ташкилоти манзилига почта орқали юборади.

3. Экспертиза хулосасини қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, уни рад этишнинг асосланган сабаблари ва камчиликларини кўрсатган ҳолда (камчиликларини бартараф этиб, экспертиза хулосасини қайта тақдим этиши учун етарли бўлган муддатни кўрсатган ҳолда) рад этиш тўғрисидаги қарорнинг ва экспертиза хулосасининг икки асл нусхасини эксперт ташкилотининг вакилига тилхат асосида топширади ёки эксперт ташкилоти манзилига почта орқали юборади.

3. Бир иш куни мобайнида.

		<p>Экспертиза хулосасини рад этиш сабабларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқади ва қарор қабул қилиш учун махсус ваколатли органга қайта тақдим этади.</p> <p>Экспертиза хулосасини махсус ваколатли органга қайта топширишда, кузатув хатида экспертиза хулосасини рад этиш тўғрисидаги қарорнинг санаси ва рақами кўрсатилади.</p>	<p>Экспертиза хулосасини қабул қилиш рад этилганлиги тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддатда.</p>
	Эксперт ташкилоти		

7 босқич	Эксперт ташкилоти	<p>Махсус ваколатли орган томонидан экспертиза хулосаси бўйича қабул қилинган қарор ҳамда экспертиза хулосасининг битта асл нусхасини буюртмачига тақдим этади.</p>	<p>Шартнома шартлари бажарилган тақдирда, уч иш куни мобайнида.</p>
----------	-------------------	---	---

Атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертиза ўтказиш тартиби тўғрисидаги [НИЗОМГА](#)
2-ИЛОВА

_____ раҳбарига
/эксперт ташкилоти номи/

Атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият (иш) хавфсизлигини асослаш юзасидан
экспертиза ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

(Эксперт ташкилотининг эксперт гуруҳини шакллантириш ҳақидаги буйруғи шакли)

_____ /эксперт ташкилоти/

_____ /экспертиза объекти/

_____ /буюртмачи/

_____ /техник топшириқ тасдиқланган сана ва рақами/

_____ /шартнома рақами ва санаси/

1. Мазкур экспертизани амалга ошириш учун қуйидаги таркибдаги эксперт гуруҳи шакллантирилсин:

_____ — эксперт
_____ — эксперт
_____ — эксперт
_____ — мутахассис
_____ — мутахассис

2. Экспертизани амалга ошириш мобайнида _____
етакчи

эксперт сифатида тайинлансин.

_____ /Ф.И.О./

Эксперт ташкилоти раҳбари _____

—
_____ /имзо/

_____ /Ф.И.О./

—
_____ /сана/

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.06.2020 й.,
09/20/390/0775-сон)*